



Хукумат соати



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги “Хукумат соати” бўлиб ўтди.

Унда депутатлар “Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилдилар.

Кун тартибидagi ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига соғлиқни сақлаш вазири А.Худаяров жавоб берди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этиш, аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тиббиёт ходимлари ва фармацевтика компаниялари ўртасидаги яширин келишувларнинг олдини олиш, “Электрон рецепт” тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ягона тиббиёт ахборот тизими(DMED)да “Электрон рецепт” модули ишлаб чиқилди. Бу модуль дори воситаларининг дозалари ва шакллари ҳисобга олган ҳолда рецептларни электрон шаклда бериш, уларнинг маркировкасини назорат қилган ҳолда сотиш, ҳисобот юритиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда беморлар учун мобил илова орқали рецептлар ҳаракатини кузатиб туриш имконини беради.

Шунингдек, ушбу тизимнинг ишлаши учун дори воситаларининг халқаро патентланмаган номлари, шакллари, дозалари ва ўлчов бирликлари ўз ичига олган маълумотлар базаси ҳам шакллантирилган. Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш доирасида “Электрон рецепт” модулида “реимбурсация дастури” йўлга қўйилган. Яъни, беморнинг дориҳонага бериб ахборот тизимига киритилган электрон рецепт билан шифокор ёзиб берган дориини олиш имкони яратилди.

“Хукумат соати”да депутатларга соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги орқали тартиб-таомилларини қисқартириш, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

А.Худаяровнинг қайд этишича, вазирлик билан биргаликда Ягона интегратор — “UZINFOCOM” томонидан соғлиқни сақлаш тизимидаги жараёнларни автоматлаштириш ва ундаги ахборот тизимларининг ягона комплексини жорий этиш мақсадида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, аҳоли ва шифокорлар учун мобил иловалар яратилган. DMED ахборот тизими 2 571 та бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларидан 2 475 тасига ўрнатилган. Ҳозирда зарур жиҳозларни харид қилиш ва ўрнатиш, тиббиёт ходимларини тизимда ишлашга ўқитиш ва маълумотларни ахборот тизимига киритиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, вазирлик тизимида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини баҳолаш марказини ташкил этиш орқали муллақо янги, шаффоф ва объектив малака баҳолаш тизими ҳам яратилган. Унда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали тиббиёт ва фармацевтика ходимларига малака тоифаларини бериш функциялари амалга оширилмоқда.

Депутатлар соҳада амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиб, ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, хусусан, давлат харидларини амалга оширишда самарадорлик ва шаффофликни таъминлаш борасида қандай ишлар олиб борилаётгани билан қизиқдилар.

Вазирнинг таъкидлашича, давлат харидларини амалга оширишда “Е-Харид” он-лайн тизими фаолият юритмоқда. Ушбу тизим давлат харидларини электрон, очик ва шаффоф тарзда амалга оширишни таъминлайди. Барча тендерлар ва харидлар интернет орқали амалга оширилиб, бу жараёнда қатнашувчиларга тендер натижалари, шартлар ва уларнинг ҳужжатлари батафсил кўрсатилади. Шу билан бирга, вазирликда 2024 йилда “Ситуацион марказ” (масофавий назорат) ташкил этилиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги харажатларни мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилган.

“Хукумат соати”да халқ вакиллари давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва бериладиган дори воситалари ҳажми тўғрисидаги маълумотларни шаффоф тарзда етказиш ҳамда бу борадаги коррупцион омилларни бартараф этиш бўйича қандай чора-тадбирлар қўрилаётганини сўради.

Вазирнинг маълум қилишича, бугунги кунда ушбу маълумотлар вазирлиқнинг расмий манбалари, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда бериб келинмоқда. Бу тўғрисидаги тегишли буйруқ ва норматив ҳужжатлар ҳудудий соғлиқни сақлаш органларининг сайтлари, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган. Кафолатланган ҳажмга кирган тиббий хизматлар рўйхати эса тиббиёт муассасаларда аҳоли учун кўринarli бўлган жойларга илиб қўйилган.

“Хукумат соати”да депутатлар томонидан соҳада рақамлаштириш ишларини жалдлаштириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда шаффоф танлов тизимини кенг жорий этиш ҳамда тизим истиқболига қаратилган бошқа бир қатор таклифлар берилди. Шунингдек, кун тартибидagi масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлаш, вазирлик билан яқиндан ишлашга келишиб олинди.

КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Андижонда 305 минг аҳоли бандлиги таъминланади



Ушбу манзилда янги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдимот қилинди. Унга кўра, вилоятдаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи таъмирланади. Янги Андижонда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади. Президент бунда Бобурнинг сиймосини ҳаққоний акс эттириш, атрофини бобурийлар мероси бўйича тематик паркка айлантириш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.

БИР ЙИЛЛИК ТАДБИР ЭМАС



...Ўзимизга яқин ҳудудда дарахт экиш тадбирларини ўтказишсаю, сифатга эмас, сонга эътибор беришса, кўз ўнгимизда иддизи шикастланган ёхуд иддиз олиб кета олмайдиган кўчатни ўтқазиб, суратга туширишга андармон бўлаётганлар учраса, бу аҳволни баттар оғирлаштиради-ку, деб қўя қовуштириб ўтирмасдан, бу ҳақида тегишли жойларга фаол фуқаролик позициясидан келиб чиқиб, мурожаат қилишимиз лозим. Шундагина “Яшил макон” мамлакатимиздаги экологик барқарорликни таъминлашда самарадор моделга айланади. “Ура-ура”чилик камайиб, масъулият, ҳисобдорлик ва ўзлуқсиз назоратга асосланган тизим шаклланади.

Бугуннинг гапи

ПУЛГА СОТИБ ОЛИНАЁТГАН ФОЖИА...

Маълум бўлишича, “Nexia-3” эгаси ўзига аввалдан таниш бўлган 11-синф ўқувчисига ижара пули эвазига 2 соатга машина бериб туришини ва унга “ишқибоз” топиш таклифини билдиради. Бундан манфаат кўзлаган “даллол” йигит дарҳол 9-синф ўқувчиларига бу таклифни етказиб, улардан жами 220 минг сўм пул олади ва 70 минг сўмини кассага ўриб, қолган 150 минг сўмини автомашина эгасига узатган.

Ёхуд ўсмирлар ўлимига сабаб бўлаётган “тадбиркор”ларни КИМ ЖИЛОВАЙДИ?!

“ҲАЛОЛЛИК СТАНДАРТИ” ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

Бугун мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари нафақат билим бериш, балки мамлакатнинг бошқарув тизими соҳа ва тармоқларида фаолият юритадиган кадрлар тайёрлаш жараёнида талаба-ёшларни инсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда ҳалоллик ва масъулият туйғуларини юксалтиришга асосий меzon сифатида ёндашмоқда.

“Адолат” социал-демократик партияси томонидан Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган ойликнинг учинчи ҳафтаси

доирасида пойтахтдаги олий таълим муассасаларида ташкил этилган “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вақци-наси” билан эмлаш — давр талаби” шиори остидаги тадбирлар давом этди.

Ўқув дарслари олиб борилаётган аудиторияда бу галги муҳокамадор мавзуси коррумпция бўлди. Нафақат унинг зарари ҳақида гапирилди, балки унга қарши қандай қура-шиш, ёшларни ҳалоллик “вақцинаси” билан эмлаш кан-дай амалга оширилиши ҳақида юзма-юз муҳокамадор олиб борилди.

Мавзу бир: “Бўлажак кадрларни ҳалоллик вақ-цинаси билан эмлаш — давр талаби”. Аммо ён-дашув турлича: ҳуқуқшунослар — қонун нуқтаи назаридан, профессорлар — билим ва маънавият нуқтаи назаридан, сиёсатчилар — жамоатчилик назорати нуқтаи назаридан юртимизда кечаёт-ган умумийлик ҳаракат, унинг мазмун-моҳи-яти, ўтган йилларда эришилган салмоқли на-тижалар, олдinda турган вазифаларни бажариш масалалари муҳокама қилинмоқда.



Коррупцияга қарши қурашишга қарилган тарғибот тадбирларидан бири Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан пойтахтимиздаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**да бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда ўтказилаётган “Коррупцияга қарши қурашиш ойлиги” доирасида амалга оширилаётган қатор тадбирлардан бири бўлиб, унда партия Марказий аппарати вакиллари, ҳақ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда маъруза қилган Абдуқамол Раҳмонов коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, унинг давлат ва жамият ривожланишига қўрсатадиган жиҳдий зарарларини ҳаётини мисоллар билан тушунтириб берди.

Таъкидланганидек, коррупцияга қарши самарали қураш олиб боришда жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, ёшлар фаол иштирок этиши муҳим саналади.

Тадбир давомида мутахассислар ва депутатлар коррупцион ҳолатларни аниқлаш ва унинг олдини олиш борасида амалий тавсиялар беришди. Университет профессор-ўқитувчилари ҳам мавзуга оид фикрларини билдираркан, айниқса, ҳуқуқшунослик йўналиши талабалари учун коррупцияга қарши билим ва кўникма зарурлигига алоҳида урғу беришди.

Талабалар билан очик мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва қандай қилиб коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш мумкинлиги юзасидан ба-тафсил тушунчага эга бўлдилар.

Қайд этилганидек, коррупцияга қарши қурашишда давлат органлари, сиёсий партиялар, таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлиги талаб этилади.

Яқунда иштирокчилар коррупцияга чек қўйиш, адолат ва шаффофликни таъминлаш борасида ҳамжиҳатлик билан фаолият олиб боришга келишиб олдилар.

Навбатдаги тарғибот тадбири **НИЗОМий НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**да ташкил этилди. Университет ректори Абдуғаффор Қирғизбоев тадбири очар экан, коррупцияга қарши қурашишда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги борасида фикр юритди. У ўз сўзида жамиятда ҳалоллик муҳитини шакллантириш, айниқса, таълим муассасаларида талабаларига ҳуқуқий маданиятни чуқур синдириш муҳим эканини таъкидлади.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов коррупцияга қарши қурашиш бўйича амалдаги қонунчилик асослари, давлат сиёсатидаги устувор йўналишлар, жавобгарлик чоралари ва фуқароларнинг ҳуқуқий онлини ошириш зарурати ҳақида атрафлича тўхталиди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёдбек Юнусов “ҳалоллик стандарти” тушунчаси ҳақида тўхта-лар экан, унинг қонунчиликдаги ифо-даси, ҳаётдаги аҳамияти, таълим ва бошқарув тизимига жорий этиш ме-ханизмлари ҳақида қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашди.

Шунингдек, ИИБ академияси про-фессори, полковник Шариф Қобилов иштирокчиларни ҳуқуқбузарлик ва кор-рупция ҳолатларига қарши қурашишда тарғиботнинг роли, ёшларда ҳуқуқий саводхонлик ва фуқаролик масъули-ятини ошириш усуллари ҳақида му-лоҳаза қўришга чорлади.

Тадбир сўнггида талабаларнинг са-



вол-жавоблари, шахсий фикрлари ва ташаббуслари муҳокама қилинди. Албатта, бу каби мулоқотлар ёшларда ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Коррупция таъсири кўпинча инсон ҳаётига хавф тугдиради. Айниқса, тиббиёт соҳасидаги ҳар қандай ҳалоллик-дан чекинган қадам, яъни таъмигр-лик инсон тақдири билан ўлчанишини инобатга олсак, тиббиёт кадрла-рини нафақат малакали, балки юк-сак масъулиятли, ҳалол ва виждонли



этиб тайёрлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. **ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**да ҳам “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вақцинаси” билан эмлаш — давр талаби” мавзусида тарғибот тад-бири ўтказилди. Унда “Адолат” СДП марказий аппарати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ички ишлар вазир-лиги ва Адлия вазирлиги вакиллари иштирок этишди.

ният ва ахлоқий қадриятлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Юнусобод тумани Адлия бўлими бosh маслаҳатчиси Ойбек Сатторов эса коррупция тушунчасининг маъмурий ва жиноий оқибатларини мисоллар асо-сида тушунтириб берди. Тадбирда ИИБ академияси профессори, полковник Шариф Қобилов сўзга чиқди ва “ҳалол-лик стандарти” атамасига кенг шарҳ бе-риб, унинг таълим муассасаларида ти-

зимли равишда жорий этилиши бўйича амалий тавсиялар берди.

Талабалар мавзу юзасидан ўзла-рининг фикр-мулоҳазаларини билди-рар эканлар, “Адолат” партияси томо-нидан илгари сурилаётган гоёларни янада қийиндан англаш имконига эга бўлганликларини таъкидлашди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИда ташкил этилган “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вақци-наси” билан эмлаш — давр талаби” мав-зусидаги тадбирда транспорт соҳасида таълим олаётган ёш мутахассислар-нинг ҳалоллик ва масъулиятга эга бў-лиши зарурлиги таъкидланди.

Тадбир аввалида университет рек-тори Дилшод Баратов сўзга чиқиб, транспорт соҳасидаги кадрлар учун ҳа-лоллик стандартларининг жорий эти-лишини, шунингдек, ушбу стандартлар ҳақидаги тушунчаларни ёшлар ўрта-сида шакллантиришнинг муҳим аҳа-миятга эга эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси профессори, полковник Шариф Қобилов коррупция-нинг транспорт соҳасидаги қўрилиши ва унинг натижаларига реал баҳо бериш, шунингдек, ёшлар ўртасида ҳалоллик



ва ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш бо-расидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда амалий тавсиялар берди.

Тадбирда иштирок этган талабалар ўзаро савол-жавоблар ўтказиб, ўзла-рининг фикрлари билан ўртоқлашди.

“Адолат” СДП
Матбуот хизмати ходими
Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ
тайёрлади



Муносабат

Андижонда 305 минг аҳоли бандлиги таъминланади

Маълумки, давлатимиз раҳбари ҳудудларга қилган ташрифларида эътибор қаратадиган энг муҳим жиҳат, бу — аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишиш ҳамда ўтган сафар берилган топшириқлар ижроси таҳлили ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилда Андижон вилоятдаги адирликларда янги шаҳар қурилиши бошланган эди. Бугунга келиб ушбу Янги Андижон шаҳри Ўзбекистондаги энг йирик янги шаҳарлардан бири сифатида шаклланмоқда. Кунинг кеча вилоятга қилинган ташриф давомида Президентимиз лойиҳанинг илк натижалари билан танишди.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Ўтган вақт давомида бу ерда 1 минг 770 та хонадонли 63 та уй қуриб, фойдаланишга топширилган. 1 минг 680 ўринли мактаб, 420 ўринли бола-лар богчаси, 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилиб, енгил са-ноат қорхонаси, ипотека маркази ташкил этилган. Умумий ҳисобда лойиҳа доирасида 4 минг гектар майдонда саккиз босқичли қурилиш ишлари амалга оширилди.

Ташриф давомида бу ердаги ривожланиш тенденциялари, архитектура ва транспорт логистикаси, шаҳар муҳитининг инсонпарварлик тамойиллари асо-сида қурилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳудудда қулай ин-фратузилма билан биргаликда аҳоли дам олиб, маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам алоҳида муҳит шакллантирилмоқда. Бунинг учун 19 гектар май-донда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, ўн минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари, бута ва гуллар экилди.

Шу билан бирга, маданият марказлари, кутубхоналар, театрлар учун жой ажратилиши, ёшлар учун стартап марказлари, “ай-ти” хабарли, таъ-лим-карьерга интеграция марказлари, маҳаллаларда спорт ва соғлом тур-муш инфратузилмасини кучайтириш кўзда тутилган. Бундай ёндашувлар Янги Андижон шаҳрида ижтимоий барқарорлик, маданий уйғунлик ва замона-вий тафаккурни шакллантиришда муҳим омил бўлади.

Қолаверса, ушбу манзилда янги қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳа-лари тақдимот қилинди. Унга кўра, вилоятдаги Алишер Навоий номидаги ис-тироҳат боғи таъмирланади. Янги Андижонда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳайкали ўрнатилади. Президент бунда Бобурнинг сиймосини ҳаққоний акс эттириш, атрафни бобурилар мероси бўйича тематик паркка айлантириш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, янги тахирдаги Конституциямизда бел-гиланган ижтимоий давлат тушунчаси ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига ай-ланди. Бунинг Андижон вилоятда амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Андижонда илк бор “Имкониятлар олами” ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази ишга туширилди.

Қарийб 5 гектар майдонга эга муассасада маъмурият, фаоллар зали, инклюзив таълим ва касбга ўргатиш бинолари, болалар майдончаси, спорт мажмуаси ва сузиш ҳавзаси мавжуд. Бу ерда ногиронлиги бор болалар, ўз-галар парварishiга муҳтож шахсларга қатнов асосида ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Жумладан, ижтимоий ва тиббий реабилитация хизмати, касбга йўналтириш, хорижий тилларни ўқитиш хизматлари ҳамда камбағал оила-лар болалари учун қўшимча таълим хизматлари йўлга қўйилган. Марказда 60 нафардан зиёд ходим фаолият юритади. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларни аниқлаш ҳамда бу ерга йўналтириш “Инсон” марказлари томонидан амалга оширилди.

Ташриф давомида Булоқбоши туманида Президент раислигида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари мухока-маси бўйича йиғилиш ўтказилди. Хусусан, йиғилишда кичик ва ўрта тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш, қурилиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама қи-линди.

Аввало, 2025 йилда Андижон вилоятда қилинмади 6 фойз иқтисодий ўсишни таъминлади, яъни ҳудудий маҳсулотни 105 триллион сумдан ошириш, 305 минг аҳолини банд қилиб, 150 минг одамни камбағалликдан чиқариш имко-нияти кўрсатиб ўтилди. Бу йил хорижий инвестициялар ҳажми 3,1 миллиард долларга етказилиши, 1 миллиард долларлик 23 та йирик, 321 та кичик ва ўрта лойиҳа ишга туширилиши қайд этилди. Экспортни 1,5 миллиард дол-ларга, маҳаллийлаштириш ҳажмини 10 триллион сумга олиб чиқиш имкони-яти борлиги таъкидланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳудудларга қилинган ташрифда ижтимоий соҳа объектилари билан танишув, улар фаолиятини янада такомиллаштириш устувор вазифа саналади. Ижтимоий йўналишларда амалга оширилаётган ишхотларни аҳоли турмушида бевосита акс этириш мақсадида Андижонда бу йил юқори технологик жарроҳлик амалиёти улуши 40 фоизга етказилади, 15 минг нафар техникум битирувчисининг бандлиги таъминланади, 6 минг та-лаба дуал таълим билан қамраб олинади. Шу билан бирга олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт, аграр йўналишидаги 4 та таълим дастури ҳалқаро аккредитациядан ўтказилади. Шу мақсадда, тиббиёт таълими ва туризм ривожлантирилиб, маҳаллаларда туну кун хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт пунктлари фаолияти йўлга қўйилади.

Ушбу ташаббус “Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дасту-ридаги мақсад ва вазифаларга ҳамоханлиги билан янада такомиллаштириб. Партия дастурида соғлиқни сақлаш масаласи биринчи навбатдаги ижтимоий вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, партия аҳолига қафоллатли тиб-бий хизмат кўрсатиш ва соҳада замонавий технологияларни жорий қилишни тақдиф қилган.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи доира-сида белгилаб берилган инсон капитали, таълим ва ёшлар сиёсати бо-расидаги йўналишлар водий вилоятлари тараққиётида устувор йўналиш бўлиб хизмат қилади. Ташриф доирасида қабул қилинган қарорлар вило-ятдаги интеллектуал, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятни оширишда кела-жак авлод учун янги имкониятлар эшигини очади.

Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – давр талаби

Ҳалоллик жамиятда устувор кадриятга айланмас экан, тараққиётга ҳов бўлувчи ҳар қайси иллат, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш мақсадида олиб борилаётган ишларда самарадорликни ошириш кун тартибидеда узоқ давр мобайнида сақланиб қолаверади. “Адолат” СДП ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ойлик тадбирларнинг учинчи ҳафтаси айнан мана шу оғрикли нуқтани нишонга олди. “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – давр талаби” шiori остида ўтказилаётган саъй-ҳаракатлар ёшлар қалбига адолат туйғусини сингдириш, ҳалолликни шахсий фазилат эмас, ижтимоий мажбурият сифатида англатишга қаратилган.

Айниқса, келажақда раҳбарлик лавозимларига даъвогар бўладиган ёшларнинг бугун коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши – эртанги соғлом давлат бошқарувининг қафолатидир. Шу мақсадда мамлакат бўйлаб ўтказилаётган тадбирлар мулоқотга асослангани, ҳар бир иштирокчинини факат тингловчи эмас, фикр билдирувчи, савол қўювчи, талаб қила оладиган фаол шахс сифатида қўришга интилангани билан алоҳида эътиборга молик.

Юртимизнинг барча ҳудудларидаги олий таълим муассасаларида давом этаётган ушбу ойлик тарғибот тадбирлари факат назарий маърузалар билан чекланиб қолмайти – ҳаётий мисоллар, очик мулоқотлар ва амалий тавсиялар орқали ёшларда мустахкам адолатпарварлик ҳиссини уйғотаётгани билан аҳамиятли бўлмоқда.

АНДИЖОН. Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий вазифаларидан биридир.

Ҳўш, бу иллатга қарши курашишда қандай йўл тутиш лозим? Умуман олганда, коррупция қаердан бошланади? “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан **АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**да ташкил этилган давра суҳбати иштирокчилари олдида шу каби саволлар қўйилди.

Тадбир аввалида “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатхон Мусаева, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Андижон вилоят ҳудудий бўлими раҳбари Фарҳодбек Атахонов ва бошқалар коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари, унга қарши курашиш ва бу борадаги амалдаги қонунчилик тўғрисида иштирокчиларга атрофлича тушунча бердилар. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг кенгайтирилган ййгилишида Президентимиз бу иллат жамият учун қанчалик хавфли эканлигини кўрсатиб ўтгани таъкидланди.

Ўз ўрнида ўқитувчи ва талабалар жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол эканлиги, коррупция иллатига қарши курашишда ҳам бирлашиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

БУХОРО. Бухоро давлат педагогика институтидида ёшлар ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксатириш, коррупцияга қарши курашиш борасида тушунчаларни шакллантириш мақсадида ўтказилган тарғибот тадбири Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси тизимидаги “Rahmatov and law” адвокатлик бюроси раҳбари, адвокат Анвар Раҳматовнинг коррупция ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олишда фуқаролар, айниқса, ёшларнинг фаоллиги қандай аҳамиятга эга эканини амалий мисоллар орқали тушунтиргани билан аҳамиятли бўлди.

Тадбирни “Адолат” СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Мақсуд Хамидов кириш сўзи билан очиб, мазкур иллатнинг жамият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка салбий таъсири ҳамда унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари юзасидан кенг қамровли маълумот берди.

Муҳокамаларда олийгоҳ талабалари фаол иштирок этар экан, ўзларини қизиқтирган саволлар билан маърузачиларга мурожаат қилиб, ёшларда коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш

тириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва адолатпарварлик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кўплаб механизмлар бўйича фикр алмашди.

НАМАНГАН. “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг учинчи ҳафтаси **НАМАНГАНДАГИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**да талаба-ёшлар учун ташкил этилган давра суҳбати билан давом этди. Тадбирни партиянинг вилоят кенгаши раиси Исроилжон Жўраев олиб борди.

Жўраев аввалида “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши хотин-қизларнинг сийсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш бошқарма бошлиғи Райҳона Урмонова “Коррупцияга қарши курашда партиялар ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги: коррупцияга қарши курашиш бўйича партия Сайёловди дастурида илгари сурилган тақлифлар” мавзусида маъруза қилди.

Шундан сўнг Наманган давлат педагогика институтини “Комплаенс назорат” бўлими бош мутахассиси Абдуғаффор Маждов, вилоят ИИБ Коррупцияга қарши курашиш бўлими етакчи ходими Абдулло Турсунов, Наманган давлат университети профессори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Наримон Деҳқонов, вилоят Адлия бўлими ҳуқуқий ахборот шўъбаси бошлиғи Наима Ёдгоровалар сўзга чиқди.

Маърузаларда таълим муассасаларида коррупцияга оид маъмурий ва жиноий жазо чоралари, коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамоатчиликнинг иштироки бўйича фикр ва тақлифлар илгари сурилди.

НАВОЙИ. Коррупцияга қарши аниқ, муросасиз ва қатъий курашишни ташкил этиш, аввало, ёшлар орасида соғлом, адолатли олий кадриятларни шакллантиришга боғлиқ. Шу мақсадда “Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши Конимех политехникумида “Коррупция – жамият тизимидидаги саратон!” мавзусида давра суҳбатини ўтказди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси Шоҳсанам Йўлдошова коррупцияга қарши курашиш бугун мамлакатда умумийлик ҳаракатга айлانгани ва унинг амалдаги самараси ҳақида сўз юритиб, ёшлар бу жараёнда асосий куч бўлиб хизмат қилиши кераклигига ургу берди. Ёшларнинг онгига адолат ва ҳалоллик кадриятларини мустаҳкамлаш орқали келажақ авлоднинг соғлом жамият қурилишида фаол иштирокчига айлантириш мумкинлиги қайд этилди.



Тадбир давомида коррупциянинг иқтисодий, маънавий ва ижтимоий зарарлари, жамиятда адолат ва тенглик каби муҳим кадриятларни йўққа чиқариши, фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини пасайтириши ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилиб, уларга қарши ҳуқуқий чоралар қўришда фуқаролик позицияси муҳим экани таъкидланди.

СИРДАРЁ. Гулистон давлат педагогика институтидида “Адолат” СДП Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – давр талаби” мавзусида ташкил этилган тарғибот тадбири бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган ёш авлоднинг ҳуқуқбўзарлик ва коррупция иллатидан асрашга қаратилди.

Унда партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши раиси Жамол Комилов, шаҳар кенгаши раиси Шоҳсанам Умрзокова, вилоят прокуратураси уюшмаган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими терговчиси Шоҳрух Норбутаев, шоир ва журналист Тоҳир Самиев ҳамда Гулистон давлат педагогика институтини “Комплаенс назорат” бўлими бош мутахассиси Фарҳод Султоновлар сўзга чиқиб, ёшлар орасида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш



алоқалар бўйича координатори Эшқувват Мирзаев, партия вилоят кенгаши ходимлари, Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида коррупцияга қарши кураш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатидаги аҳамияти муҳокама қилинди.

Айтиш жоиз, 2016 йилда Ўзбекистонда ёшларни олий таълимга қамров кўрсаткичи 9 фоизни ташкил этган бўлса,

лар коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш, Фарғона шаҳар Адлия бўлими бош маслаҳатчиси Сардор Иминбоев ҳар бир инсон фаолиятида ҳалолликни бош мезон қилиши зарурлиги, бу давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эканлиги ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

ЖИЗЗАХ. Айни кунларда “Адолат” СДП томонидан жойларда “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида кенг қўламли тарғибот тадбирлари ўтказил-

қарши курашиш борасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, уларнинг ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар қилинаётгани, коррупциянинг олдини олишда жамоатчилик назорати муҳимлиги, айниқса, ёшлар фаоллигини ошириш долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларига коррупция ва унинг келиб чиқиш сабаблари, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик, коррупциявий хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик турлари ҳамда мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида маълумотлар берилди.

ХОРАЗМ. Абу Райҳон Бериуний номидидаги Урганч давлат университети “Маданият саройи”да “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – давр талаби” мавзусида ташкил этилган тадбирда партиянинг Марказий аппарати Ташкилий бошқарма бошлиғи Элёр Комилов, партия фаоллари, депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, мазкур олийгоҳнинг профессор ўқитувчилари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар партия томонидан амалга оширилаётган ишлар,



моқда. Хусусан, партиянинг Жиззах вилоят кенгаши томонидан мазкур ойлик доирасидаги шундай тадбирлардан бири **ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**да бўлиб ўтди.

Унда партия фаоллари, Жиззах политехника институтини профессор-ўқи-

ташаббустлар ва таълим соҳасидаги илгор гояларни ҳаётга татбиқ этишдаги самарадорлиги, айниқса, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида олиб бораётган ишлар халқимизнинг эътирофига сабаб бўлаётгани тўғрисида сўз юритишди.



Тадбир сўнггида мавзу юзасидан ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари эшитилди. Уларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари томонидан атрофлича жавоблар берилди.

Худудий кенгашлар матбуот хизматлари билан ҳамкорликда тайёрланди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2024 йилги Устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларининг харажати ва 2025 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 2024 йил 1 январь ҳолатига жами маблағлар қолдиғи 1 млрд. 24 млн. 8 минг сўмни ташкил қилган.

2024 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 43 млрд. 892 млн. 958 минг сўм маблағ келиб тушди. Шундан, 22 млрд. 509 млн. 107 минг сўмни партия уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун бюджетдан ажратилган маблағлар, 12 млрд 141 млн. 150 минг сўмни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилган сайловларда иштирок этиш учун ажратилган маблағлар, шунингдек, партияга аъзолик бадалларидан 1 млрд. 572 млн. 679 минг сўм, бошқа тушумлардан 7 млрд. 670 млн. 22 минг сўмни ташкил этади.

2024 йилда қуйидаги йўналишлар бўйича жами 43 млрд. 51 млн. 989 минг сўм маблағ сарфланди:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш берувчининг ажратмалари – 22 млрд. 966 млн 765 минг сўм;
- хизмат сафари харажатлари – 230 млн. 212 минг сўм;
- дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар – 2 млрд. 654 млн 212 минг сўм;
- асосий воситалар бўйича харажатлар – 575 млн. 89 минг сўм;
- товар-моддий захираларига харажатлар – 296 млн. 491 минг сўм;
- коммунал хизмат харажатлари – 158 млн. 630 минг сўм;
- телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари – 239. млн 68 минг сўм;
- ёниги ва ЁММ харажатлари – 259 млн. 107 минг сўм;
- ижара харажатлари – 880 млн. 272 минг сўм;
- саклаб туриш ва жорий таъмирлашга харажатлар (компьютер, мебель, автотранспорт воситалари ва бошқа техника таъмири) – 268 млн 255 минг сўм;

- сайловларда иштирок этиш харажатлари – 12 млрд. 141 млн. 150 минг сўм;
- бошқа харажатлар (обуна, автотранспорт воситаларини техник қўриқдан ўтказиш, уларни сўғурталаш, банк хизматлари ва бошқа харажатлар) – 2 млрд 382 млн 738 минг сўмни ташкил қилад.

2025 йил 1 январь ҳолатига жами 1 млрд. 864 млн 977 минг сўм маблағ қолдиқ бўлиб ўтган, шундан, бюджет маблағлари 4 млн. 363 минг, бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидидаги маблағ 1 млрд. 860 млн. 614 минг сўмни ташкил қилад.

Партиянинг 2025 йилдаги бюджетининг асосий кўрсаткичларини шаклланиши: давлат бюджетидан ажратилиши кўзда тутилган маблағлар 30 млрд. 919 млн. 884 минг сўм, аъзолик бадалларидан келиб тушадиган маблағлар 1 млрд. 540 млн. сўм, ҳамда бошқа тушумлардан 30 млн. сўм, жами 32 млрд. 489 млн. 884 минг сўм маблағ тушиши режалаштирилган.



КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Умида ШЕРХОНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
Инсон ҳуқуқлари кафедраси ўқитувчиси

Конституция ҳар бир демократик давлат ҳаётида нафақат ҳуқуқий, балки маънавий-маърифий, ахлоқий жиҳатдан бош меъёрий дастуриламал сифатида эътироф этилади. Давлат билан фуқаро ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солишчи, инсонларнинг шаъни, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи мазкур ҳужжат башарият ривож тарихида бир неча босқичдан ўтди. XX асрда инсон ҳуқуқлари борасидаги кўзга кўринган энг катта ютуқлардан бири 1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эканини яхши билсангиз керак. Декларацияда ҳар бир инсон шаъни, ҳуқуқи тенг бўлиши, ҳеч ким қийноққа солинмаслиги, ҳар ким сўз ва виждон эркинлигига эга экани алоҳида қайд этилган.

Солиқ кодексига мувофиқ

МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ

Солиқ кодексига кўра, jisмоний шахслардан олинadиган **мол-мулк ва ер солигини** тўлаш солиқ даври учун тенг улушларда **15 апрелгача** ва **15 октябргача** амалга оширилиши белгиланган

Куйидагилар **мол-мулк солигининг** солиқ солиш объектидир:

- уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли **иморатлари**
- тадбиркорлик фаолияти ёки даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган **кўчмас мулк** объектлари
- қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган **объектлар**
- кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ **бўлган автомашина турар жойлари**, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар

Куйидагилар **ер солигининг** солиқ солиш объектидир:

- jisмоний шахсларга **қишлоқ хўжалиги** мақсадлари ва деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкалари
- якка тартибда **уй-жой қурилиши** учун берилган ер участкалари
- жамоа **боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини** юритиш учун берилган ер участкалари
- хизмат юзасидан берилган **чек ерлар**
- мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки сотиб олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, **эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи** ҳам ўтган ер участкалари
- мулк қилиб **сотиб олинган** ер участкалари
- тадбиркорлик учун фойдаланишга ёки **ижарага** берилган ер участкалари

Биз ва дунё

КУВАЙТми ёки



ҚУВАЙТ?

Ҳар бир халқ у ёки бу давлатнинг номланишини қабул қилар экан, ушбу давлатнинг расмий номланишдан ташқари, албатта, ўз тилининг қонун-қоидаларига ҳам риоя қилиши шарт.

Қодир ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Масалан, Испаниянинг расмий номланиши Есрафа бўлиб, биз уни ўзбек тилининг талаффуз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Испания деб атаймиз. Худди шунингдек, Туркияе (Türkiye) давлатини Туркия, Туркменистан(Türkmenistan)ни Туркменистон, Азербайжан(Azərbaycan)ни эса Озарбайжон деб ўзимизга қулай тарзда қабул қилганмиз. Зеро, миллий тилимиз ажнабий сўзларни ўзига мослаши табиий жараён бўлиб, бу ҳолат луғат ва энциклопедияларимизда ҳам аллақачон ўз аксини топган.

Шу билан бирга, тилшуносликнинг ушбу оддий қондасига ҳар доим ҳам риоя қилётганимиз йўқ. Нима учундир баъзи дав-

доираси кенгайди. Шунингдек, суд тизими мустақиллигини таъминлаш, прокуратура, адвокатура, нотариал тизимларни ислох қилиш орқали ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалий жиҳатдан кафолатлашга кенг ўрин берилди.

Авваллари юртдошларимизга Бош Қомусимиз бўйича савол берсангиз, кундалик ҳаёти давомида ундан қай даражада фойдаланишига қизиқсангиз, уларнинг кўпчилиги елка қисшарди. Конституцияни асосан суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари учун мўлжалланган, одатий турмушимизда эса кўп эмас, фақат 8 декабрь арафасида “эсга тушадиган” тушунча сифатида қабул қилиб келгандик. Аммо энди инсоннинг дунёга келишидан тортиб, муносиб ҳаёт кечиришигача бўлган барча давр айнан Конституция орқали ҳимояланишини кўпчилик тушуниб етди.

Ҳаҳон тажрибасига назар солсак, Ғарб давлатларида ҳуқуқий маданият деганда, одамлар шунчаки қонунни ёд билишни эмас, ўз ҳуқуқларини онгли равишда тушуниб, уни талаб қилиш маданиятини билишига гувоҳ бўламиз. Масалан, Францияда конституциявий ҳуқуқий таълим боғча ёшидан бошланади. Улар “менинг ҳуқуқим бу” дейишни ўрганади. Швецияда ўқувчиларга Конституциянинг махсус соддалаштирилган варианты тарқатилади. Болалар мактаб давриданок ўз ҳуқуқини билиб улағайди.

Бошқа томондан давлат органлари ва жамият вакилларини ўз мажбуриятларини унутмасликка ундаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича 2030 йилгача белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) орасида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим алоҳида ўрин тутади. Айниқса, 4 мақсаддаги сифатли таълим бошқа барча БРМга эришиш учун зарур бўлган бирламчи омилдир. Чунки жамиятда ҳуқуқий онг ривожланмас экан, қонун устуворлигини таъминлаш, тараққиётни юксалтириш ишлари кўнгилдагидек кетмайди.

Шунинг учун ҳам Конституция мазмун-моҳиятини содда, халққил услубда тушунтириш ишларини олиб бориш, кўламини кенгайтириш масаласи бугунги кунга келиб долзарб аҳамият касб эта бошлади. Фақат ёдлаш эмас, интерактив лойиҳалар, тарғибот роликлари, подкастлар, кундалик муаммолар ечимида Конституциядан фойдаланиш бўйича анимацион видеороликлар яратишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари ва лойиҳаларини кенгайтириш мумкинлигидан далолатдир.

Тошкент давлат юридик университети инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тадқиқотларда етакчилик қилмоқда. Бу ерда “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” каби фанлар ўқитилиб, талабалар нафақат назарий билим, балки амалий таҳлил ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ҳам эгаллаяпти. Илмий изланишлар, конференциялар, лойиҳалар орқали жамиятда инсон ҳуқуқларини кенг тарғиб қилиш йўлида амалий қадамларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мақсад аҳоли, айниқса, ёшларга Конституциямиз ким бўлишимиздан қатъи назар бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қилиши, тенглик асосида яшаш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқини бериши, жавонни эмас, кундалик ҳаётимизнинг бир қисмини эгаллаши кераклигини тарғиб этиш, ундан амалда фойдалана олишни ўргатишдир.

Биз қачонки Конституцияга фақат расмий эмас, балки шахсий ҳужжат сифатида қарасак, қонун остида эмас, қонун бағрида яшай бошлаймиз. Ҳуқуқий маданият эса нафақат суд-ҳуқуқ соҳаси вакилларига керак бўлган билим, балки ҳар бир фуқароннинг кундалик қарорлари, турмуши, эртанги кунга бўлган ишончида намён бўлади. “Ҳуқуқимни поймол қилманг, Конституциямда шундай ёзилган!” деган фикрни оммалаштириш зарурати адолатли, ҳуқуқий жиҳатдан пойдевори мустаҳкам бўлган жамият тараққиётини кафолатлайди.

Адолат тарозиси

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, амалиётга ярашув институтининг жорий этилиши натижасида минглаб фуқаролар “қамалган”, деган тамгадан асраб қолинди, минглаб оилалар ўртасида душманлик қайфияти пайдо бўлишига тўсик қўйилди. Ярашув ҳуқуқий институт сифатида қонун даражасига кўтарилди.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ



ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Матчонбой МАТЧОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман судининг судъаси

2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК алоҳида модда билан тўлдирилиб, жиноят қонунчилигига модда санаб ўтилган жиноятлар учун жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарини бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида киритилди.

Биринчи марта жиноят қонунчилигига киритилган ярашув институти механизми бугунги кунгача тақомиллаштирилган ҳолда амалиётда кенг қўлланилиб, ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда. Бу, ўз навбатида, жамиятимизда ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаб, инсонпарварлик тамойили амалда қўлланилиб келинаётганидан далолат беради.

Ҳаётда инсон билиб-билмай хатоликка йўл қўяди. Баъзида эса ўз ҳаракатини бошқара олмай ҳуқуқбузарлик содир этади. Мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят қонунчилигига ярашув институти жорий этилди. Натижада жуда кўп ҳаётларимиз раҳмдиллик ва кечиримлилиқ каби миллий қадриятларимизнинг қонунда ифодасини топганлиги туфайли “судланган” тамғасидан қутулмоқда.

Шу ўринда бир мисолни келтирсак. Тошкент вилояти Янгийўл туманида яшовчи И.К. ўтган йил 20 октябрь кунни ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли автомашинасини бошқариб бориб, белгиланган қоидаги роия қилмасдан йўлдан ўтаётган пйедани уриб юбориб, тан жароҳати етказган. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида пйеда оғир тан жароҳати олиб, шифохонага олиб борилган.


Дастлабки терговда гумонланувчи И.К. ва жабрланувчи Е.Ф. ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Суд мажлисида гумон қилинувчи И.К. айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчи билан ўзаро ярашганлигини, Е.Ф.га етказилган моддий ва маънавий зарарини қоплаб берганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олган ҳолда ўзига нисбатан жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи ҳам суд мажлисида И.К.га нисбатан ҳеч қандай даъво ва эътирозлари йўқлигини, у билан ярашиш тўғрисида ариза берганлигини, урталаридаги ярашув ихтиёрий эканлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлашни ва жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мазкур жиноят ишини тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатиб, И.К.ни жавабгарликдан озод қилди. Айтиш кераки, ярашув институтининг кенг қўлланилаётганлиги туфайли қанчадан-қанча ҳамюртларимиз жазодан озод этилиб, оиласи бағрида ҳаёт кечирмоқда. Энг муҳими, улар ўрта-сида келиб чиқиши мумкин бўлган адоватларга барҳам берилмоқда. Қонунимиздаги инсонпарварлик туфайли билиб-билмай хатоликка йўл қўйганлар ўзаро ярашиб, муносабатларини яхшиламоқда.

Биласизми?



Қонунчиликка кўра, меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги туфайли боқувчи вафот этганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла нафақа тўланиши лозим.

Нафақа миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касба уюшмаси қўмитаси ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бирок, нафақанинг миқдори марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақи 6 бараваридан кам бўлмаслиги керак.

(https://lex.uz/docs/6257288#6265178)



БИР ЙИЛЛИК ТАДБИР ЭМАС

“Яшил макон” лойиҳаси мамлакатимизнинг ўзига хос эко моделига айланди

Дарахт экишни савобли ва хайрли амал деб билган доно халқимизда “Яхшидан боғ қолар” деган пурмаъно ҳикмат бор. Замонавий тилда айтсак, бу қимматли фикр орқали инсон ҳаёти давомида фақат моддий мерос эмас, балки ёш авлод, бутун борлиқ учун маънавий, экологик бойлик қолдириши зарурлиги таъкидланади. Бошқа томондан халқимиз дарахт экишни асрий қадрият сифатида бир авлоддан бошқасига ўтадиган маънавий бурч, деб эъвозлаб келган. Жумладан, ота ўғил қўрганида ҳовлининг бир чеккасига терак экиш одати бўлган. Бу орқали ўғил фарзанднинг келгусида вояга етиб, бир оила бошқарувини қўлга олиши, бу дарахтлар унинг қорига яраши режа қилинган.

**Муниса АБДУАЛИМОВА,
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти
6-босқич талабаси,
ТошИЭС оилавий поликлиникаси оилавий шифокори**

Теранроқ олиб қаралса, терак баланд бўлади, ота ҳам шу терак каби фарзандига “Елкамни кенг тутай, орқанда тоғдай тураман, суянч бўламан”, деган мазмундаги ибратли анъанани ўргатиб, умрбоқийлигига ҳисса қўшган. Бу эса, албатта, нафақат табиатга эҳтиром, балки вақт, авлод ва маънавий меросга нисбатан масъулият ҳиссини ўзида акс эттиради. Шу маънода “Яшил макон” лойиҳасини тарихимиз, халқона қадриятларимизнинг давоми, унинг замонавий талқини сифатида баҳолаш мумкин. “Олдимизда табиатни асрашга муносиб ҳисса қўшиш вазифаси бор” деган ғоя асосида фақат кўчат экиш эмас, балки она табиат билан ўйғунлашув қисми бўлган лойиҳа ана шундай юксак ғояларга суянган ҳолда ҳаётга татбиқ этилди.

Англаган бўлсангиз, сўнгги йилларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси” деган жумла тез-тез қулоққа чалинади-кин, телевизиорудио радиондан тортиб, матбуот ва ижтимоий тармоқларда бу борадаги хабарларга кунда кунора кўзимиз тушадиған бўлди. Бойси, биз Янги Ўзбекистоннинг учинчи ренессансини қуришга, дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилишга интилаётган эканмиз, иқтисодий-иҷтимоий фаровонлик билан бир қаторда экологик барқарорликни таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга омиллардан ҳисобланади. Қайд этиш жоиз, бундан 4 йил илгари, аниқроғи 2021 йил 9 сентябрь кунин Президентимиз томонидан “Яшил макон” лойиҳасини амалга ошириш тақлифи илгари сурилган, 2 ноябрь кунин биринчи маротаба давлат аҳамиятидаги устувор йўналиш сифатида видеоселектор йиғилишида қўриб чиқилганди.

Лойиҳанинг биринчи мавсумида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш ва шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни амалдаги 8 фойздан 30 фойзга ошириш режа қилиниб, 2 ноябрдан 10 декабрга қадар дарахт экиш бўйича “долзарб 40 кунлик” жорий этилган. Хайрли ташаббуснинг биринчи мавсумида 85 миллион туп ниҳол экилгани маълум қилинди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган давр мобайнида мазкур лойиҳа юртимиздаги деярли ҳар бир хонадонга кириб боришига, натижада нафақат экологик мувозанатни тиклаш, балки фуқароларнинг экологик маданиятини шакллантириш, яшил ҳаёт тарзини тарғиб қилишдек кенг қамровли мақсадларга хизмат қилади.

40 кунлик сарҳисоби ва 2022 йилги устувор вазифалар муҳокамасида давлатимиз раҳбари мамлакат эко тизimini яхшилаш, юртимизда яшил май-

донларни кенгайтириш орқали яшаш сифатини оширишга йўналтирилган ушбу ижтимоий лойиҳани бир йиллик эмас, балки кенг қамровли тадбир сифатида бундан кейин ҳам давом эттириш кераклигини таъкидлади. Лойиҳанинг иккинчи йиллик мавсуми(2022 йил март-апрель ойлари)да 125 миллион туп кўчат экиш ишлари бажарилди. Ўшанда Президентимиз бу борадаги ишларни жадаллаштириш бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида: “Мавсум тугашига ҳам озгина вақт қолди. Лекин, бу борада қилingan ишлар аҳоли мени хавотирга солмоқда. Айрим ҳудудларда ҳали ҳам ишлар номигагина ташкил этилиб, кўзбўямачилик давом этаётганини тўғрисида менда маълумотлар етарли”, деганди. Жойларда ҳақиқатда экилмаган жами 5 миллион туп кўчатларни ҳисоботда қўшиб ёзиш ҳолатлари борлиги, мутасаддиларга апрель ойида барча қолоқликлар ва камчиликларни тўлиқ бартараф этиш топширилганди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, лойиҳа доирасида дарахт экиш тадбирларини тизимли йўлга қўйиш, экиш пайтида илдири бакувват, ҳудуд иқлимига мослашувчан дарахт ва буталардан фойдаланиш, ўсишини кузатиб борган ҳолда зарур агротехник тадбирларни амалга ошириш масаласи долзарб ҳисобланади. Аммо ўтган йиллар давомида лойиҳа самарадорлигини оширишга соя солиб, табиат ва ўсимлик дунёсига зарар келтириш, дарахт кесил билан боғлиқ жиноятлар, бунга бефарқ бўлаётган мутасадди раҳбарлар ҳамон учрамоқда. Тахлилларга назар солинса, 2022 йилда 6,2 миллион туп дарахт қозғоларда “пайдо бўлиб қолган”, 2,4 миллион туп дарахт етарли парвариши кўрмагани, сув етишмовчилиги оқибатида нобуд бўлган. 2023 йилда эса кўрсаткич бундан ҳам ачинарли: 2 миллион донга кўчат фақат ҳисоботларда бор, 7,3 миллион донга кўчат “экилдими экилди” қабилида сўғориш тизими йўқ ерга суқиб кетилган. Ўтган йилдаги баҳор мавсумида ҳам жойларда дарахт экиш билан боғлиқ бир қатор ноқонуний ҳаракатлар аниқланган.

Жумладан, Бош прокуратуранинг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси томонидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ўрганилган. Ўрганишда Андижонда 19 та ҳолатда 1128 туп дарахт сўғорилмайдиган ерларга экилгани, Қашқадарёда 12 та хо-

латда экилмаган 48 348 туп дарахт қўшиб ёзилгани фош бўлган. Шунингдек, Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси мансабдор шахслари Юқори Чирчиқ туман ҳудудида экилган 175 туп қимматбаҳо дарахтларни қаровсиз қолдириб, нобуд қилиб, табиатга 1 миллиард 487 миллион сўмлик зарар етказгани аниқланган.

Умуман, лойиҳанинг устувор афзаллиги нафақат кўкаламзорлаштириш ва гўзал манзара яратиш, балки глобал экологик муаммолар ечимида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, дарахтлар, айниқса, терак каби қалин шохли турлари транспорт шовқинини сўриб, аҳоли яшаш манзилларига етиб боришини камайтиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дарахтлар билан қўршалган йўлларда шовқин даражаси 3–5 децибелгача пасаяди. Шунингдек, теракнинг барги кенг ва юзаси катта бўлгани учун ҳаводаги чанг, углерод оксиди, азот диоксиди каби моддаларни тозалаш хусусияти юқори. Бу нафас йўллари хасталикларининг олдини олишда муҳим. Шу билан бирга йўл ёқасидаги кўллаб дарахтлар микроиклимни мўтадиллаштириб, асфальт юзасида ҳароратни 4–6°С гача камайтиради. Бу эса шаҳарларда жазирама ҳароратни камайтиришга хизмат қилади.

Дарахт илдизлари ер қатламини мустаҳкамлаб, ёмғир сувларининг оқиб кетишини секинлаштиради. Бу ҳолатни Германия, Канада ва Жанубий Корея тажрибасида ҳам кузатиш мумкин. Одатий терак турлари баъзан аҳолида аллергия реакцияларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, экилаётган тераклар махсус танланган, аллергия қақирмай-диган, гулламайдиган, аммо ҳавони самарали тозалайдиган, тез ўсадиган ва парвариши осон бўлган навлардан фойдаланилади. Бундай ёндашув Франция, Япония ва АҚШ каби давлатлар амалиётида аллақачон ўзини оқлаган.

Хўш, энди олдимиздаги 2025 йилда лойиҳа қандай истиқболли режа ва мақсадларни кўзлади? Энг аввало, йилнинг “Атроф муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодий йили” дея эълон қилинган бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, лойиҳа қамровини оширишда натижадорлик ва жамоатчилик назорати, ижро интизомини қучайтиришни асосий кун тартибига қўяди.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясини мазкур йилда амалга оширишга оид давлат дастури 9 бандида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллаларда дарахт кўчатларини ҳамда хонадонлар ва ички кўчаларга гул ва қаламчаларни экиш дастурлари Вазирлар Маҳкамасига қиритилиши қўрсатиб ўтилди. 2025 йил баҳор-куз мавсумларида республикадаги барча маҳаллаларнинг ички кўчалари ва аҳоли хонадонларида 32 миллион туп меваги ва манзарали дарахтлар, бута кўчатлари ҳамда райхон, гултожи, атиргул ва бошқа гуллар, шунингдек, қаламчаларни экиш ва парваришлаб бориши, шунингдек, “Обод хонадон”, “Обод кўча”

Шундай экан, ўзимизга яқин ҳудудда дарахт экиш тадбирларини ўтказишсаю, сифатга эмас, сонга эътибор беришса, кўз ўнгимизда илдири шикастланган ёҳуд илдири олиб кета олмайдиган кўчатни ўтказиб, суратга туширишга андармон бўлаётганлар учраса, бу аҳолини баттар оғирлаштиради-ку, деб қўл қовуштириб ўтирмасдан, бу ҳақида тегишли жойларга фаол фуқаролик позициясидан келиб чиқиб, мурожаат қилишимиз лозим. Шундагина “Яшил макон” мамлакатимиздаги экологик барқарорликни таъминлашда самарадор моделга айланади. “Ура-ура”чилик камайиб, масъулият, ҳисобдорлик ва узлуksиз назоратга асосланган тизим шаклланади.

Дарахт илдизлари ер қатламини мустаҳкамлаб, ёмғир сувларининг оқиб кетишини секинлаштиради.

Бу ҳолатни Германия, Канада ва Жанубий Корея тажрибасида ҳам кузатиш мумкин. Одатий терак турлари баъзан аҳолида аллергия реакцияларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, бу га экилаётган тераклар махсус танланган, аллергия қақирмай-диган, гулламайдиган, аммо ҳавони самарали тозалайдиган, тез ўсадиган ва парвариши осон бўлган навлардан иборат. Бундай ёндашув Франция, Япония ва АҚШ каби давлатлар амалиётида аллақачон ўзини оқлаган.

ва “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш мақсадида 2025 йилнинг 10 февралдан 10 мартга қадар ҳар бир хонадон, кўча ва қабристонларда ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиши белгиланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Наврўз байрамига қадар маҳаллалар ўртасида “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловлари ўтказиш топширилди.

Маълумки, сўнгги йилларда иқлим ўзгаришига қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш глобал кун тартибидagi энг долзарб масалалар сифатида умуминсоний ёндашув ва бирлашган ҳаракатларни талаб этаётгани барчамизга аён. Шундан келиб чиқилса, “Яшил макон” ҳам юқоридаги жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, энг аввало, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда шу аснода она заминимизни “яшил қалқон”ни мустаҳкамлашни кўзда тутайди.

Минтақамиз иқлими қуруқ, иссиқ бўлгани, қурайи заминда иқлим ўзгариши кун сайин буй қўзаётгани эса бу аҳамиятни чандон оширади. Боз устига салкам ярим асрдан ортиқ вақт давомида нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё ҳудудида ўйламай қилинган хато сабаб тўланаётган экологик товон — Орол фожияси ортидан кўм бўронлари, туз кўтарилишлари, бир қанча ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларининг қирилиб кетгани, ҳудуд аҳолиси турмуши ва саломатлигига мутасил салбий таъсир қўсратгани экологик мувозанатни тиклаш, табиатни асраб авайлашга қаратилган мазкур хайрли ташаббусни амалга ошириш ва самарадорлигини таъминлашга ҳар биримиз масъул эканимизни англайтиб туради.

Соҳибқирон БОҒЛАРИ

“...Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар, ҳаммомлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устида работ бино қилишни, дарёлар устида қўприклар қуришни буюрдим. Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки бирон боғ қўқартирса ёҳуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили қонун-қоидага мувофиқ хирожэ йиғилсин”.

Амир ТЕМУР,
“Темур тузуклари” асаридан

Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида боғ бунёд этиш ишларига алоҳида аҳамият қаратган. Тарихчи Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Амир Темур Хуросондаги Мурғоб водийсида ободончилик ва деҳқончилик ишлари хароб бўлганини қўриб, дарёдан 20 та ариқ қаздириб, сув чиқартириб, деҳқончилик ва ободончилик ишларига асос солади. Унинг топишириги бўйича Кўҳак – Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга қўприклар қурилган. Соҳибқироннинг фармойишига кўра, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз ва Фарғонада сўғориш ишлари олиб боришган. Бундай бунёдкорлик ишлари давлатнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирилган. У Тоғли Қорабоғда 42 километрлик канал қурдирган. Жанубий Озарбайжон (Эрон)даги Муғон шаҳрида 12 та боғ барпо этган. Амир Темур даврида бетакрор боғлар яратилган ва уларга ўзига хос номлар қўйилган. Булар хусусидаги дастлабки маълумотлар ўтмиш тарихчилари, шоирлар, сайёҳлар асарларида учрайди. Шунингдек, Амир Темур боғлари ўрта асрлар расомлари миниатюраларида ҳам тасвирланган. Бу боғлар тузилишига кўра икки хил бўлган:

Чорбоғлар – геометрик тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони тахминан 1 километр масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг 4 қисмга ажратиш турган. Атрофидаги баланд деворларнинг ҳар бурчагида минора бўлган. Марказда Сарой жойлашган. Бундай боғларнинг дарвозалари шаҳар тарафга қаратиб қурилган.

Тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалалар бағрида барпо этилган боғлар ҳукмдорлар ов қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми табиий ҳолда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмигагина дам олиш учун сарой ва чодирлар қурилган. Ховузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.



Амир Темур боғларидан энг чиройли ва машҳурлари қўйидагилар:

БОҒИ БАЛАНД. Соҳибқирон Самарқанд шимолидаги Чўпонота мақбараси яқинида (ҳозирги аэропорт атрофида) набираси(Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Уни барпо қилишда Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар боғдорчилик санъати усталари ҳамда меъморлар қатнашган. Боғ ўртасида Табриз оқ мрамридан қурилган ҳашаматли қаср бўлиб, унинг атрофидаги узуллар, анжирзор ва олмазорлар боғга гўзал бир тароват бахш этиб турган.

БОҒИ БЕҲИШТ. Бу боғни Амир Темур 1378 йил Самарқанднинг Фарбида Хайрунисо маликага атаб қурдирган. Айрим ёзма манбаларда “Боғи Жаннат” номи билан аталади. Боғ ўртасидаги атрофи хандақ билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида табриз оқ мрамридан қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма қўприклар орқали қирилган. Бу боғнинг бир тарафида ҳайвонот боғи бўлиб, турли хил ҳайвонлар сақланган.

БОҒИ ДАВЛАТОБОД. Бу боғ Самарқанддан 13 километр жанубда, ҳозирги катта Ўзбекистон трактининг чап томонида бўлган. Амир Темур бу боғда зафарли юришлардан қайтган, дам олган, хорижий элчиларни қабул қилган. Унда ариқлар, тўртта ховуз, катта сарой бўлган. Сарой сунъий тепа устида қурилган, атрофи хандақ билан ўралган. Унга иккита кўтарма қўприк орқали қирилган.

БОҒИ ДИЛКУШО. Малика Тукалхоним шарафига қурилган бу боғ Самарқанддан 5 километр Шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида (қадимий Ғиждурон қишлоғи ўрнида) жойлашган. Боғдаги сарой деворларига Соҳибқирон олиб борган урушлардан лавҳалар қўйилган.

БОҒИ ЖАҲОННОМА. Амир Темур Самарқанддан етти фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этағида қурдирган (тахминан Ургуут туманида). Унда сарой ва қалъа бўлган. Боғнинг ҳудуди жуда ҳам катта бўлиб, йўқолиб қолган от 6 ойдан сўнга топилаан.

БОҒИ МАЙДОН. Чўпонота тепалиғи этағида, Самарқанднинг шимолида жойлашган. Тарихий манбаларга қараганда, боғда ҳашаматли айвон (қўшқ) ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тахт бўлган. Амир Темурнинг невараси Мирзо Улуғбек бу боғни янада обод қилган.

БОҒИ НАВ. Бу боғни 1404 йилда Амир Темур Самарқанднинг жанубида қурдирган. Ползор қишлоғи ўрнида жойлашган. Бу боғ тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган, ҳар бурчадаги минора қад қўтариб турган.

БОҒИ ЧИНОР. Амир Темур Самарқанднинг шарқида (Конишлнинг жанубий-ғарб тарафида, ҳозирги Қўшамғалик тепалиғи ўрнида) барпо қилдирган. Унда аҳолиб чинорлар кўп бўлган. Боғнинг марказида сарой жойлашган.

БОҒИ ШАМОЛ. Бу боғ Самарқанднинг ғарбида бўлган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони 1500 қадамни ташкил қилган. Деворларга мрамр қопланиб, саҳни қайрағоч ва фил суяғидан ишланган. Бу боғ жойлашган ҳудуд ва у ердаги ариқ ҳозир ҳам Боғи Шамол деб аталади.

Амир Темур Самарқанд атрофида булардан ташқари, яна бир қанча боғ ва саройлар барпо этган. Чунончи, Боғи булду, Боғи зогон, Боғи нақши жаҳон, Боғи амривоҳда Шоҳрух, Боғи, Боғи дилафрўз, Боғи шерон, Гулбоғ, Ползор, Бедаана кўриғи, Чумчуқли, Ғозхона ва бошқалар бир-биридан қолишмаган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази биноси орқасида барпо этиладиган Ислом цивилизацияси боғи учун Амир Темур боғлари макетларини яратиш режалаштирилмоқда. Ҳар бир боғ чиройли шарқона панжара билан ажратилади. Юқорида номлари келтирилган боғларга монанд тарзда 9 та боғ, унда Амир Темур даври ва замонавий меъморчилик анъаналарига асосланган ҳолда боғ марказида мармардан, ғишт ва тошдан, бошқа материаллардан махсус кичик саройлар, ариқлар, фавворалар, кичик ҳайвонот боғлари (тоғус, қишқ, кирғовул ва бошқа жониворлар бурчаклари) ташкил қилинади. Ҳар бир боғ Амир Темур боғлари номи билан аталиши кўзда тутилган.

Ислом цивилизацияси маркази Ахборот хизмати



Ёхуд ўсмирлар ўлимига сабаб бўлаётган “тадбиркор”ларни КИМ ЖИЛОВЛАЙДИ?

Бугунги кунда Ўзбекистонда автомобиль ижараси бозорининг жадал ривожланаётгани қувонарли ҳол. Бу хизматлар иктисодиётга ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, фуқаролар учун қулайлик яратмоқда. Аммо, афсуски, ушбу йўналишда баъзи назоратсиз фаолиятлар ва қонунчиликдаги бўшлиқлар боис салбий ҳолатлар ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, гоҳо вояга етмаган, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган шахсларга ҳам пул эвазига автомобиль ижарага берилмоқда. Бу эса кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларига, ҳатто инсон ҳаётига хавф туғдираётган фожиаларга сабаб бўлмоқда.

Муҳиддин ОМАД, Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси

Ижтимоий тармоқларда тарқалган сўнги машўм хабарга кўра, бундай автоҳалокат Наманган шаҳрида яшовчи 9-синф ўқувчилари иштирокида содир бўлган. Бошқариб бўлмайдиган даражадаги тезликда кетаётган “Nexia-3” русумидаги енгил машина қутилмаганда қарама-қарши томонга ўтиб, “Chakman” русумли оғир юк машинасига юзма-юз урилиб, пачоқланиб кетган “лаҳза” ижтимоий тармоқларда ёритилганини кўрган киши: “Эҳ аттанг, яна ўша ҳолат такрорланибди-да!”, деб афсус чеккан бўлиши аниқ.

Бу гагга автоҳалокат Давлатобод тумани, “Порлоқ” маҳалласидаги Ислоҳ Каримов кўчасида, 2 апрель кунини содир бўлди.

Тез орада мазкур автотўқнашув ҳам ўсмир йигит томонидан юзага келтирилгани оидинлашди.

Содир бўлган воқеадан хабар топган ота-оналар саросимага тушган бўлишса, воқеага сабабчи бўлган ижарачи “тадбиркор” танг аҳволда қолди. Аммо бўлар иш бўлиб ўтгандан сўнгги дод-войдан, оху ноладан, пушаймонликдан фойда йўқ эди. Чунки бундай воқеанинг содир бўлишига кўпинча ё ота-онанинг ўзи, ёки қилган ишдан пушаймон бўлавериб “кўниқиб” қолган “тадбиркор” сабабчи бўлиб чиқади.

Суриштирувлар воқеани ипидан игнасимга аниқлашга имкон берди. Маълум бўлишча, “Nexia-3” машинасини бошқарган мактаб ўқувчиси бўлиб, тажрибасизлиги оқибатида тезлики пасайтиришнинг уйдасидан чиқа олмай, йўлнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетган ва оқибатда мудҳиш тўқнашувни содир этган. Натижада енгил машина “ҳайдовчиси” ва унинг ёнида ўтирган ўртоғи оғир тан жароҳати олган...

Хўш, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган ёшларга ким, қандай ҳуқуқ асосида машинани топшириб

қўймоқда? Ота-онасини, қариндошини? Бу савол ҳам тезда ўз жавобини топди. Маълум бўлишча, “Nexia-3” эгаси ўзига аввалдан таниш бўлган 11-синф ўқувчисига ижара пули эвазига 2 соатга машина бериб туришини ва унга “ишқибоз” топиш таклифини билдирди. Бундан манфаат кўзлаган “даллал” йигит дарҳол 9-синф ўқувчиларига бу таклифни етказган ва улардан жами 220 минг сўм пул олади ва 70 минг сўмини қиссага уриб, қолган 150 минг сўмини автомашинани эгасига узатган. Лекин пул дардига мубтало бўлиб, унинг оқибати нима билан тугаганини ҳаёли билмай қолди...

Боз устига яна бир жумбоқ очилиб, машинани ижарага берган шахснинг ўзи ҳам бу автомобилни бошқа бир кишидан ижарага олгани маълум бўлди.

Воқеадан сўнг автомобилни ижарага берган йигитнинг отаси ва “Chakman” ҳайдовчиси жамоатчиликка мурожаат қилиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ ёшларнинг машина бошқаришига умуман рухсат бермаслик талаби билан чиқди.

Бу каби ноҳуш ҳолат биринчи ёки иккинчи бор содир бўлаётгани йўқ, адашмасам, бундан етти ой илгари ҳам худди шундай воқеа Наманган шаҳрида юз берганди, бугун ҳам ўша ҳолат яна такрорланди. “Бундай ҳолатларга ички ишлар ходими сифатида қандай муносабат билдирасиз?” – деган савол билан Наманган вилоят ИИБ ЖХХ ЙХХБ Ахборот хизмати бошлиғи Ботиржон БОЙМИРЗАЕВга мурожаат этдик.

– Афсуски, баъзи бир кишилар охири ўлим билан тугаётган воқеалардан тегишли хулоса чиқармаётдилар. Жорий йилнинг апрель ойи



Кўштирноқ ичидаги “тадбиркорлик” билан машғул бўлиб, оиласини боқаётган кишиларга ҳам айтар сўзимиз бор. Наҳотки, 200-220 минг сўмлик “даромад”нинг ўсмир чоғида ўз қонига беланиб, тупроқ остига қираётган ёки майиб-мажруҳ бўлиб қолаётган болаалардан афзал бўлса?

Ноҳониз усулда топаётган даромаднингиз сизга, онлангизга қандай татийди? Еяётган нонингиз томоғингиздан қандай ўтади? Нафсингиз шу билан таскин топадими? Аслида виждони, иймони бор одам бундай саволларни ўзига ўзи бериб қўриши керак. Қўлида ҳайдовчилик ҳужжати бўлмаган йигитчаларнинг пулини олиб, машина миндириб қўйиш диёнати бор инсоннинг ишими?

аввалида юз берган автоҳалокат кўпчилик учун яна бир сабаб бўлди, – дейди вилоят ЙХХБ ахборот хизмати раҳбари Б.Боймирзаев. – Бундай аянчли воқеаларнинг кетма-кет содир бўлаётгани, ёш йигитларнинг майиб-мажруҳ бўлиши ёки ҳаётдан эрта кетаётгани хавотирга солади кишини. Эслатиб ўтиш учун воқеаларга аввал бошдан тўхталмоқчиман.

2023 йилнинг 5 ноябрь кунини Янгиқўрғон туманидаги 10-синф умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси бобосининг “Lasetti” русумли машинасини бошқариб кетаётган, аввал рўпарасидан келаётган “Matiz” автомашинасига, сўнгара сўмёғочга урилиб, воқеа жойида вафот этган. 2024 йилнинг 12 март кунини ҳам ушбу тумандаги 3-ўрта мактабининг 9-синф ўқувчиси ўзбошимчалик билан “Lasetti” машинасини бошқариб, ҳаракатни жиловлай олмай сўмёғочга урилган ўзи ва ёнидаги бола вафот этган, 3 нафар бола эса оғир тан жароҳати олган. Янги Наманган туманидаги 57-мактабининг 11-синф ўқувчиси “Lasetti” русумли машинани бошқариб бориб, йўл четидаги уч нафар пиедани уриб юборган ва оқибатда бир киши ҳаётдан кўз юмаган. “Наманган-Косонсой” йўлида ҳам ўсмир бошқарган “Nexia” русумли машина бетон тўсиқга урилиб, ағдарилиб кетган ва бир йигит вафот этган.

Суриштирувдан сўнг, у ҳам Янги Наманган туманидаги 68-мактабининг 11-синф ўқувчиси бўлиб чиқди. Шунингдек, ўтган йилнинг 2 октябрь кунини Наманган шаҳрида ҳам айнан шу каби воқеа юз берди. Ўшанда ҳам “Gentra” енгил машинасини 5 нафар ўқувчи 200 минг сўмга ижарага олиб, Марғилон кўчаси бўйлаб кетаётган пайтда ма-

шина тезлиги ошиб кетиши натижасида йўл ўртасидаги бетон тўсиқдан ошиб ўтиб, қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган юк машинасига бориб урилган. Натижада 3 нафар ўсмир ҳаёт билан видолашган ва қолган икки нафари оғир тан жароҳати олган.

Минг афсуски, бу воқеалар шунчаки ҳикоя эмас. Булар ортида аянчли қисматлар ётибди. Қанчадан-қанча ёшлар умри ҳазон, орзу-умидлари поймол бўлди. Кўз қорачиғидай асраб-авайлаб фарзанд ўстирган ота-оналарнинг юраклари зардобча тўлди.

Аслида нафсини жиловлай олмайди кишини фикридан қайтариш осон иш эмас...

– Балки, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун тарғибот ишларини қулайтириш керакдир? – деб сўрайман Ботиржон Боймирзаевдан.

– Тарғибот бизнинг асосий ишимиз. Вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига қарашли барча таълим муассасаларида ЙХХБ ходимлари, жамоатчилик билан мунтазам равишда тарғибот тадбирларини ўтказиб келамиз, ота-оналар иштирокида ҳодисалар видеолашхалар ёрдамида муҳокама қилинади. Ҳар бир таълим муассасасида йўл қоидалари, белгилари, ҳаракат хавфсизлиги бўйича тушунча берадиган жиҳозланган хоналар бор. Бу ерда ходимларимиз машғулот дарсларини олиб боришади. Бундан ташқари машина бошқариш одоби, қонун-қоидаларини яхши ўзлаштириб олишлари учун ўқувчиларга етук мутахассислар сабоқ берадиган хавфсиз автотаймлар таклиф этилмоқда. Ўқувчилар токи вояга етгунларига ва ҳайдовчилик гувоҳномасига эга

бўлгунларига қадар мактабларда машғулот ўтказиб, малака ошира борсалар фойдадан холи бўлмасди.

– Хўш, унда ўқувчилар иштирокида содир этилаётган ноҳуш ҳолатларга асосий сабабчи ким, деб ўйлайсиз?

– Биринчи навбатда, ота-оналар. Негаки, улар ўз фарзандларининг раъйига қарши чиқа олишмаяпти. Ўз фарзандлари тақдирига эътиборсиз, қоқайдлик билан қарашмоқда. Ҳатто, боласини ҳам, унинг тарбиясини ҳам кўчага ташлаб қўйдиган қоқайд оилалар бор. Бунинг оқибати, кўпинча, фожаия билан якун топтоқда. Боз устига шундай кишилар бир қор-қол рўй берса, “Ички ишлар қаёққа қараяпти?” деган иддао билан чиқишади. Автоҳалокатлар билан боғлиқ воқеалар ҳам бевосита ота-оналарнинг айби билан юз берапти. Машина-

сини ижарага бераётган “удда-бурон тадбиркор” эса гўр йигитларни авраб, “бир гап чиқса, ўзларинг жавоб берасизлар”, деган шарт билан масъулиятни бола-ларнинг зиммасига юклаб қўймоқда. Оқибати нима билан тугашига ақли етмаган ўзбошимча болалар бил-либ-билмай бу шартга рози бўляпти. Ўрганишлар жараёнида ҳаётдан эрта кўз юмаган ўқувчилар орасида истеъдодли, билимли, бир олам орзулар оғушида парвозга шайланаётган ўқувчилар ҳам борлиги аниқланди. Бу ҳақда ота-оналар афсус чекиб, кўз ёш тўкиб гапирганларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Кимларгадир автомашинани бир матоҳ даражасида бўлиши мумкин. Шунинг учун автомашиналарини “ўйин-чок” сифатида болаларга “ҳадя” қилишаётгандир. Лекин ҳаёт билан ўйнашадиган бундай ҳолатларга чек қўйдиган пайт келди.

Маълумотларга кўра, юртимизда 2024 йилда 9364 та йўл транспорти ҳодисаси рўйхатга олинган бўлиб, уларда 8901 киши жароҳатланган ва 2203 киши ҳалок бўлган. Ушбу ҳолатларнинг 57 фоизи йўл инфратузилмасидаги камчиликлар туфайли, 43 фоизи ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида содир этилган. Шубҳасиз, бунда “ижара”га автомашинани “сотиб олиб”, йўловчиларнинг ёки ўзининг умрига зомин бўлаётган ўсмирларнинг ҳам ҳиссаси бор.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо турлари қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос эмас. Жазо чораларининг енгиллиги транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига нисбатан беписанд муносабатда бўлишига олиб келмоқда.

Юзага келаётган ҳолатлардан келиб чиқадиган бўлсак, бу борада жиддий қонунлар қабул қилинишини давр таъказо этмоқда. Амалдаги қонунчиликда, хусусан, МЖТКнинг 135-моддасига кўра, “...транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши” БХМнинг 5 баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКга киритилган ўзгартишларга кўра эса транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс “мастлик... ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиши”га БХМнинг 30 баробари миқдорда жарима солиш белгиланган. Лекин юқоридаги каби ҳолатларда ўқувчиларга машинани ижарага берганлар учун қайси моддада назарда тутилган айблов қўйилиши қонунчиликда аниқ белгиланмаган.

Ўзбекистон “Адолат” СДП ва унинг депутатлари ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, соғлом авлоднинг қамол топиши учун курашиб, бу борада халқчил қонунлар ишлаб чиқилишига бел боғлаганлар.

Бу ҳақда партия Сайловоти дастурида ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан, шундай дейилган:

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз:

– **ХАЙДОВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ МУНТАЗАМ БУЗГАНЛИК УЧУН ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИДА ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ ҚУЧАЙТИРИШ**, ШУ ЖУМЛАДАН, ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ МАСТ ҲОЛДА БОШҚАРГАН ЁКИ ОҒИР ОҚИБАТЛАРГА САБАБ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАРДА УМРБОД ХАЙДОВЧИЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ҚИЛИШ;

– **ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ҚЎП БУЗГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЭГАСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИгини СУЎРТА ҚИЛИШ СУММАСИНИ ШУНГА МУТАНОСИБ РАВИШДА ОШИРИШ;**

– **АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИДА ТАРТИБГА СОЛИНМАГАН ПИЁДАЛАР ЎТИШ ЖОЙЛАРИДА ПИЁДАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУВОРЛИгини СЎЗСИЗ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАЛАР КИРИТИШ”.**

Шу ўринда кўштирноқ ичидаги “тадбиркорлик” билан машғул бўлиб, оиласини боқаётган кишиларга ҳам айтар сўзимиз бор. Наҳотки, 200-220 минг сўмлик “даромад”нинг ўсмир чоғида қонига беланиб, тупроқ остига қираётган ёки майиб-мажруҳ бўлиб қолаётган болалардан афзал бўлса? Ноҳониз усулда топаётган даромаднингиз сизга, оилангизга қандай татийди? Еяётган нонингиз томоғингиздан қандай ўтади? Нафсингиз шу билан таскин топадими? Аслида виждони, иймони бор одам бундай саволларни ўзига ўзи бериб қўриши керак. Қўлида ҳайдовчилик ҳужжати бўлмаган йигитчаларнинг пулини олиб, машина миндириб қўйиш диёнати бор инсоннинг ишими? Нобуд бўлаётган болаларни болангизнинг ўрнига қўйиб қўринг. Қилар ишни қилиб қўйиб, жувонмарг бўлган йигитларнинг ота-оналаридан қайси юз билан кечирим сўрайсиз? Кечирса, кечирмаса яна қайси виждон билан бу ишни давом эттирасиз? Айтинг, қачонгача?!